№ 20793

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи 10 сўм.

1993 йил 7 июль, чоршанба

№ 125 (21.476).

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ўз иқтисодиётини ўнглаб, тараққиётининг ойдин йўлига чиқиб олиш учун турли иқтисодий ҳамкорлик ташкилотларига аъзо бўлиб кирмоқда.

Аёнки, ҳар қандай ташкилот ўз сафини беҳудага кенгайтиравермайди. Моддий-техник ресурслари бисёрлиги, ишлаб чиқариш потенциали юксаклиги, маданий, илмий саводхонлиги юқорилиги боис дунёдаги нуфузли фондлар, ташкилотлар Ўзбекистонни ўз сафларига олмоқдалар. Ана шундай ташкилотлар сирасида Эрон ва Покистон Ислом Республикалари ҳамда Туркия Республикаси томонидан иқтисодий, маданий ва илмий-техникавий ҳамкорликни таъминлаш мақсадида тузилган минтақавий Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИҲТ) ҳам бор. Бирлашган ўзар, дейдилар. Шундай экан, дунёвий муаммоларни дунё халқлари, айниқса қон-қардош, қўшни давлатлар билан ҳамжиҳатликда ҳал этиш энг мақбул йўлдир. Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга аъзо бўлиб киришдан муддаоси ҳам шу.

ИҲТга аъзо мамлакатлар бир-бирларининг бозорларида эркин фаолият юритиб, ўзаро савдони кенгайтириш, аъзо давлатларнинг ҳар бирида жўшқин иқтисодий тараққиёт ва аҳолисининг турмуш даражасини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, халқлар ўртасида маънавий-маданий алоқаларни кенгайтириш, халқаро анжуманларда қатнашиш йўли билан мамлакатлар равнақига халал берувчи иқтисодий тўсиқларни биргаликда бартараф этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Мазкур ташкилотнинг олий органи — Вазирлар Кенгаши тузилган бўлиб, у ташкилот фаолиятининг стратегиясини ишлаб чиқиш ва асосий масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Вазирлар Кенгаши ташкилотга аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирларидан таркиб топган. Ташкилотнинг бир муҳим бўғини — бу Минтақавий режалаштириш кенгашидир. Унда аъзо давлатлар режалаштириш идораларининг раҳбарлари йилда бир марта ташкилотнинг Теҳрондаги марказида учрашиб, Вазирлар Кенгашига тақдим этиш учун ИҲТнинг фаолият дастурини ишлаб чиқадилар. Барча соҳалардаги лойиҳалар ИҲТнинг 8 техник тармоғи — иқтисодий ва савдо, транспорт ва телекоммуникация, техника ва саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, маориф, фан ва маданият, инфраструктура ва ижтимоий ишлар, гиёҳванд моддалар тарқатишга қарши кураш олиб борувчи ҳамкорлик комитетларида тайёрланади. Ташкилотнинг мунтазам ишчи идораси унинг фаолиятига дахлдор барча масалаларни амалга ошириш билан шуғулланади. Котибият фаолияти аъзо давлатлар ҳиссаси билан шаклланувчи ИҲТ бюджетидан маблағ билан таъминланади.

Бош котиб Вазирлар Кенгаши томонидан тайинланади ва ҳар тўрт йилда алмашиб туради. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 1992 йил 6 февралда Анқарада бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистонни ҳам аъзоликка қабул қилиш ҳақида қарор чиқарилди.

1992 йил 9—10 май кунлари Ашгабатда ИҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқлари даражасидаги учрашувда Президентимиз Ислом Каримов ҳам қатнашди. Ўша учрашувда томонлар ўз алоқаларини ривожлантириш мақсадида қўшма баёнот эълон қилдилар. Унга кўра савдо ҳажмини кўпайтириш ва сармоялар бўйича қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш, маданий алоқаларни кенгайтириш, бир-бирларига имтиёзли шароит яратиш, қўшма банклар ва корхоналар қуриш, коммуникация, транспорт, газ ва нефть узатгичлари қурилиши соҳаларида ҳамкорлик, фуқароларнинг чегарадан ўтиш жараёнини енгиллаштириш тадбирлари белгиланди.

Шу йилнинг 6—7 февраль кунлари ИҲТга аъзо давлатлар Вазирлар Кенгашининг Кветта (Покистон) шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида савдо-иқтисодий соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди.

Республика вазирликлари ва идоралари ўша режалар билан обдон танишиб, талай фикр-мулоҳазалар билдирдилар ва ИҲТ котибиятига тақдим этдилар.

Ўзбекистон ўзининг ривожланган автомобиль ва темир йўллари билан Туркманистон ва Эрон орқали Туркияга ҳамда Арабистон денгизи ва Форс кўрфазининг портларига чиқиши, у ерлардан экстранзит ҳаракат очилиши билан ҳалқаро савдо йўлларининг чорраҳасида асосий ҳалқа бўлиши мумкин. ИҲТга аъзо давлатлардаги мавжуд автомобиль йўллар тизими бундай юк ташишга ҳозирги кунда ҳам яроқлидир.

Ўрта Осиё темир йўллар бошқармаси ИҲТга аъзо давлатлар ҳудуди доирасида темир йўл орқали юк ташишни таъминлаш учун миллий темир йўллар тизимини тобора кенгайтиришни ва бир-бирига улашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Бизнинг режаларга асосан амалдаги Ўрта Осиё ва Туркманистон темир йўлларидан фойдаланиб, Красноводск ва Боку портлари, сўнгра Жулфа бекати орқали Форс кўрфази ва Туркияга, ундан Европага чиқиш мумкин. Юкларни мавжуд темир йўллар билан Термизгача олиб бориб, у ердан Афғонистон автомобиль йўллари орқали жўнатиш имкони бор. Ёки Ўрта Осиё темир йўлларидан фойдаланиб, Дружба станциясидан Хитойга чиқиш мумкин. Яна бир йўл — юкларни темир йўллардан Ашгабатгача олиб бориб, сўнг Эрон ҳудуди орқали автомобилда ташиш. Бу режаларни амалга ошириш учун қўшимча сармоя талаб қилинмайди. Мутасадди идоралар вакилларининг сўнгги икки йиллик кузатувларига қараганда, халқаро юк ташишда қуйидаги автомобиль йўлларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилмоқда:

Тошкент — Ашгабат — Қизил Атрек — Сари — Теҳрон — Табриз — Истанбул; Тошкент—Ашгабат — Гаудон — Божигарон — Машҳад — Зоҳидон — Кермон орқали Бандари Аббос портига чиқилади. Тошкент — Ашгабат — Машҳад — Зоҳидон — Кветта орқали Карочи портига; Тошкент—Андижон — Рибачье орқали Хитойга юк ташиш мумкин.

Мазкур автомобиль йўллари орқали 1992 йилнинг иккинчи ярми ва 1993 йилнинг ўтган беш ойи мобайнида Туркияга 860 тонна маҳсулот жўнатилди. У ердан 336 тонна маҳсулот олинди. Эронга эса 300 тонна ҳар хил юк ташилди.

1993 йилнинг 7—8 июнь кунлари Теҳрон шаҳрида ИҲТга аъзо давлатлар вакиллари иштирокида бўлиб ўтган экспертлар гуруҳлари учрашувида Эрон томони «Экоэйр» қўшма авиакомпанияси тузиш ҳақида батафсил ҳужжатлар тақдим этди.

Дунёга чиқаётган Ўзбекистон учун бу ҳам мақбул йўл. Шу боис вакилларимиз қўшма авиакомпания тузишни қўллаб-қувватладилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш ниятида иш олиб бормоқдалар. Қолаверса, ИҲТга аъзо давлатлар билан мунтазам ҳаво алоқалари мавжуд. Олмаота, Бишкек, Ашгабат, Карочи, Истанбулга тайёралар қатнови йўлга қўйилган. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси ва Эрон авиакомпанияси ҳар икки давлат ўртасида ҳаво йўллари очиш тўғрисидаги меморандумга имзо чекишган. Айни чоғда мазкур ҳаво йўлини очиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Тожикистон, Озарбайжон, Афғонистонда ички вазият изга тушиши, барқарорлашиши билан ҳаво йўллари яна тикланади. Бу бизнингча, иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларнинг барчаси учун фойдалидир. ИҲТга аъзо ва қўшни давлатлар ўртасида почта алоқаларини ташкил этиш ҳам хайрли тадбирлардан бири. Шу мақсадда ИҲТга аъзо давлатлардан Россия ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига почта жўнатмаларини қайта ишлаб чиқадиган транзит маркази (бунинг учун Ўзбекистон қулайроқ) ташкил этилса, чакки бўлмасди.

Амалга оширилган ишлар ва кўзланган режалар кўлами катта. Ўзбекистоннинг равнақи, дунё ҳамжамиятига тез орада қўшилиши ва унда ўз мавқеини эгаллашида иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг тутган ўрни, албатта салмоқли бўлади.

Асқар ҲАЙДАР.
(ЎзА).

КЕНГАШ ИШ БОШЛАДИ

Онадўлу агентлигининг хабар беришича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркиянинг Истанбул шаҳрига келди. Бу ерда 6 июль куни иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ)нинг олий даражадаги кенгаши иш бошлади. Кенгаш очилишида сўзга чиққан Туркия Президенти Сулаймон Демирэл бу халқаро ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш ва ўзаро ёрдам шу куннинг бош масаласи эканлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, у иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига кейинги пайтда аъзо бўлган мамлакатларни табриклаб, янги давлатлар — Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишига асосий эътиборни қаратиш зарурлигини айтди.

Истанбул учрашуви кун тартибида ИҲТга аъзо бўлган давлатлар иқтисодиётига сармоя сарфлашни кўпайтириш, барча турдаги алоқалар ва йўллардан, шу жумладан темир йўл ва ҳаво транспортидан кенг фойдаланиш, савдо-сотиқда бирбирлари учун қулай шароитлар яратиш, сармоялар ва ишчи кучининг эркин ҳаракатини таъминлаш каби масалалар бор.

(ЎзА).

ҚУТЛУҒ БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

6 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг икки йиллигини тантанали нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш давлат комитетининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий комитет раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда байрамга тайёргарлик ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди, ташкилий комитет аъзоларининг вазифалари белгилаб олинди. Республика пойтахтида ўрнатилажак Амир Темур ва Мирзо Улуғбек ҳайкаллари лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.


Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, Ўзбекистон Маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев, республика Вазирлар Маҳкамаси бўлим мудири Ю. Шодиметов, Тошкент шаҳар ҳокими муовини Ш. Жалилов, ҳайкалтарошлар Я. Шапиро, А. Раҳматуллаев, режиссёр Р. Ҳамидов ана шу масалалар юзасидан ахборот берди.

Мажлисда тегишли вазирлик ва идораларга мустақиллик майдонида ўтказиладиган байрам тадбирларининг мукаммал дастурини ўн кун ичида ишлаб чиқиб, ташкилий комитет тасдиғига тақдим этиш топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров, Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси У. Азимов қатнашди.

(ЎзА).

• ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ •



Ўзбекистон районидаги Муқимий номли жамоа хўжалигида Содиқжон Каримов номини ҳурмат билан тилга олишади. У Республикада хизмат кўрсатган механизатор. 33 йилдан бери техникапи жиловлайди. У ва унга ўхшаганларнинг катта улуши туфайли хўжалик деҳқонлари сабзавотдан ҳар йили мўл ҳосил олиб келадилар. Бу йил хўжалик деҳқонларининг нияти — эл дастурхонига 7 минг тонна сабзавот етказиб беришдир.

СУРАТДА: моҳир механизатор, ёшларнинг меҳрибон мураббийси Содиқжон Каримов.

К. Юсупов олган сурат.

• Миллий истиқлол мафкураси ҳақида мулоҳазалар

Мафкурасиз жамият бўлмайди! Мустақилликка эришганимиздан сўнг, маълум бир вақт мафкура сўзини тилга олмай қўйдик. Бу эса ўзига хос бўшлиққа олиб келди. Мана шунинг учун ҳам Президентимиз миллий истиқлол мафкурасини яратиш масаласини кўндаланг қўйдилар.

Ҳеч нарса йўқ жойдан бор бўлиб қолмайди. Бизнинг мафкурамиз азал-азалдан қудратли бўлган. Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, кейинчалик эса Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийлар юртни обод ва озод кўрмоқ истагида битган сатрлари ила мафкурага асос солганлар. Ёхуд, Амир Темур ва Бобурнинг дунёни титратган салтанатидан сўз очайми? Бу салтанатнинг замини ҳам ўта кучли мафкурага таянган эди.

Эндиликда Ўзбекистонимиз мустақилликка эришиб, ўз олдига юксак мақсадларни қўяётган экан, мафкурага катта эҳтиёж сезилмоқда. Яқинда Марғилон шойи ишлаб чиқариш бирлашмасида, Қўқон «Электромаш» заводида меҳнаткашлар билан учрашганимизда, буни яққол сездик. Одамларнинг ҳурматли юртбошимиз Ислом Каримовнинг сиёсатига катта қизиқиш билан қараётганликлари савол-жавобларда ўз аксини топди.

Тўғри, бугунги кунда халқнинг ичида юришнинг ўзи бўлмайди. Уларга кўнглидагини топиб гапириш керак. Халқона тилда тушунтириш ишлари олиб борадиган, тажрибали тарғиботчи ва ташвиқотчиларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Мавжуд ташвиқотчи кадрларимизнинг кўпчилиги эса замонага ҳамоҳанг қадам босолмаяптилар. Ўз устида ишламаганлари ҳаётий саволларга жавоб тополмай мулзам бўлмоқдалар. Бу билан нима демоқчиман? Аввало, халқ билан сиёсий мулоқотнинг янгича шаклларини топишимиз лозим, деб ўйлайман. Уни бугунги кунда қандай ном билан аташ — масаланинг иккинчи томони. Қолаверса, мафкура кадрларини тайёрлаш ва улар малакасини ошириш хусусида жиддий бош қотиришимиз шарт.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ўз фаолларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мақсадида сиёсий-маърифий ва ўқув маркази ташкил қилди. Бу ишга Фарғонада ҳам киришилди. Ана шу саъй-ҳаракатлар миллий мафкурани яратишда ва унинг усулларини такомиллаштиришда ўз самарасини берса ажаб эмас.

Бугун раҳбар бўлиш қийин. Унга ҳавас қилиб бўлмайди. Бошида элнинг, юртнинг ташвиши. Лекин турли даражадаги айрим раҳбарларимиз иқтисодий жумбоқларга тўлиқ жавоб топиб беролмаяптилар. Халқ ичида юргандан кейин, улардан аччиқ-чучук саволлар эшитишга тўғри келади-да. Муҳтарам Президентимиздан ўрнак олайлик, муаммо ва камчиликларимизни бўяб-бежамасдан рост ва ҳақиқатни гапирайлик. Халққа тўғрисини айтсанг тушунади.

Шу маънода миллий истиқлол мафкураси, аввало воқеликни бор-бўйича, бўёқларсиз ифодаловчи мафкура бўлмоғи лозим.

Совет мафкурасининг ҳалокати эса унинг воқеликдан узилиб қолганлигида эди.

Ҳамма учун бир хил мафкура бўлмайди. Олдин Магаданда ҳам, Ўзбекистонда ҳам бир хил мафкура эди. Тўғри, умумийлик сақланади, аммо бирор мамлакат мафкурасининг қиёфасини фақатгина ўзига хослик белгилайди. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкурасига, менимча, уч ғоя асос қилиб олиниши керак.

Булар:

Биринчиси — умуминсоний қадриятлар, миллий урф-одатлар, тарихий анъаналар билан боболаримиз меросига таяниш.

Иккинчиси — Ўзбекистон Республикаси барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли давлат эканлигини намойиш этиш.

Шу ўринда, Президентимизнинг Германияга сафарини эслаш жоиз. У киши немислар юртига ёрдам сўраб келмаганлигини таъкидлади. Балки, бу давлат билан алоқалар ўзаро тенг-

ҲАР ҚАРИЧИ МУҚАДДАС

Абдурашид МИРСАЛИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилояти кенгашининг биринчи котиби

нинг тарбияси ва илм олиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ХДП вилоят Кенгаши республика зиёлилари илмий-маърифий уюшмасининг вилоят бўлими, уруш ва меҳнат фахрийлари уюшмаси ҳамда Фарғона давлат дорилфунуни олимлари билан ҳамкорликда оммавий ҳаракат бошлаганлар. «Ёшлар — мустақил Ўзбекистоннинг ворисларидир» шиори остида ўтаётган бу ҳаракат тарғибот ишларининг турлича усулларини қамраб олган.

Президентимиз республикамизнинг етакчи ёзувчи ва шоирлари билан бўлган учрашувда мафкурани бир гуруҳ олимлар эмас, халқ яратади, дедилар. Шунинг учун яратиладиган мафкурамизда халқимиз кайфияти, қарашлари, воқеликка муносабати ўз аксини топиши лозим. Турли учрашувларда, мулоқотларда, баҳс-мунозараларда халқнинг бу борадаги фикрини йиғиш бизнинг ҳам зиммамизга катта масъулият юклайди.

ХДП миллий истиқлол мафкурасини яратишда етакчи ўрин эгаллаши керак, деб ўйлайман. Негаки, бу партия аъзолари тарғибот ва ташвиқот ишларида катта тажрибага эгадирлар.

Партиямизнинг бугунги кундаги муҳим вазифаси ана шу имкониятни тўлиқ ишга солишдан иборатдир.

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари олдига ҳам масъулиятли вазифаларни қўяди. Барча фаолларимиз аҳоли ўртасида истиқлолни мустаҳкамлаш борасида нима ишлар амалга оширилганлигини, ҳозирда нималар режалаштирилаётганлигини кенг тарғибот қилишлари лозим.

Ватанга муҳаббат миллий мафкурамизнинг негизи бўлмоғи шарт.

Шоир тили билан айтганда:

Ватанни сев, тупроғин ўп,
Ҳар қаричи муқаддас бизга.
Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп,
Жондан яқин юрагимизга.

ХАЛҚАРО ҚЎЗҒУ

РАТА — ТАСС мухбирлари ёзадилар:

ИСЛОҲОТЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Германия Ташқи ишлар вазир К. Кинкель собиқ совет республикаларининг моллари учун Ғарб давлатларининг бозорларини очиб қўйиш мумкинлигини таъкидлади.

Японияда чиқадиган «Ниҳон «Кэйдзай» газетасининг саволларига жавобан вазир «Собиқ СССРдаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш зарур», деди.

ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Ироқнинг қуролсизланишини назорат қилувчи БМТ текширувчилари гуруҳи кеча мамлакатдан жўнаб кетди.

Бу гуруҳнинг ракета синаш майдонларига видеокамералар ўрнатишга Бағдоддан розилик олиш учун бир ой қилган уриниши наф бермади.

Ироқда чиқадиган «Бобил» газетаси текширувчиларнинг жўнаб кетишини шарҳлаб, бу нарса «Ироқ халқига қарши қароқчилик ҳаракатлари ва ҳарбий тажовуз қилиш учун баҳона бўлмаса, яхши эди», — деб ёзади.

Текширувчилар орасида америкаликларнинг борлиги АҚШнинг ироқликларга қарши фитна тайёрлаётганидан дарак беради. «Ироқ дўқ-пўписага бўйсунмаслигини кўп марталаб айтган эди», — деб ёзади газета.

ЭРОНГА ЁРДАМ

Хитой 300 мегаватт қувватли ядро реактори қуришда Эронга ёрдам беради, деб хабар қилади Эроннинг ИРНА расмий ахборот маҳкамаси.

Эрон — Хитой иқтисодий комиссиясининг Теҳронда бўлиб ўтган мажлисида шу қарорга келинди.

Хитой томони Теҳронда метро қуришга 1 миллион доллар қарз беришга ҳам тайёрлигини билдирди. ХХРга Эрондан нефть, темир ва бошқа бир қанча моллар етказиб бериш ҳақида битим имзоланди.

(ЎзА, 6 июль).

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ

АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАЛАРИ

Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўз ишини бошлаган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги анжумани бутун жамоатчиликнинг диққат-эътиборини жалб этмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси масъул ходими Вакур ЭРҚУЛ жаноблари билан суҳбатлашди.

— Муҳтарам Вакур Эркул, бу халқаро ташкилот дастлаб қандай мақсадларни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган эди?

— Туркия, Эрон ва Покистон мамлакатлари ташаббуси билан тузилган бу халқаро Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ҳар томонлама фойдали ва манфаатли иқтисодий ҳамкорлик ишларини амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бу ташкилот асосан иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда шакллана бошлади. У чинакам тенг ҳуқуқли ҳамкорликда салмоқли натижаларга эришмоқда.

Халқаро ташкилотнинг ўз низомига кўра унга аъзо бўлган давлатлардан ҳар бирининг вакили вақти-соати билан маълум муддатга бош котиблик лавозимига сайланади. Вақти келиб Ўзбекистон вакили ҳам унга раҳбарлик қилиш табиий бир ҳолдир. Навбатдаги анжуманда аъзо бўлган давлатларнинг юртбошилари 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган иш режаларини белгилаб оладилар.

— Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг дастлабки самаралари ҳақида нималар дея оласиз?

— Иккала мамлакатларимиз ўртасида қалин дўстлик алоқалари ўрнатилганлиги таҳсинга лойиқдир. Туркия ҳукумати Ўзбекистоннинг мустақиллигини қўллаб-қувватламоқда ва унинг истиқболи йўлида қўлидан келган маънавий ва амалий ёрдамини кўрсатмоқда. Икки ўртада иқтисодий ҳамкорлик ой сайин ривожланяпти, деб айтиш мумкин. Ҳозирда 70 дан зиёд қўшма корхона ишлаб турибди. Шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида бир неча ўн миллионлаб долларлик ҳамкорлик ишлари амалга оширилганлиги қувонарлидир.

— Яқин ойлар ичида Ўзбекистон ва Туркия халқларининг қардошлик алоқаларини улуғловчи қандай маданий тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилмоқда?

— Бизларнинг тилимиз, динимиз, тарихимиз бир экан, демак маданий ҳаётимиз ҳам муштаракдир. Ана шундан келиб чиқиб бир қатор маданий тадбирлар ўтказилиши белгиланмоқда. Яқин вақтлар ичида иккала мамлакат давлат симфоник оркестрлари алмашув сафарлари уюштирилади. Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедов шогирдлари билан Туркияда тасвирий санъат асарлари кўргазмасини намойиш этади. Ўзбекистонда эса Туркия киноси кунлари бўлади.

Суҳбатдош:
Абдулла ПЎЛАТОВ.

ЯНГИ ЖАМҒАРМАГА МАБЛАҒ ТУША БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Фармонига биноан ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси таъсис этилгани хабар қилинган эди. Кўпгина давлат, тижорат ташкилотлари, хорижий фирмалар жамғармага маблағ ўтказа бошлади. Энг салмоқли бадални муассислар тошширди— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жамғармасидан бир миллиард сўм ажратди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бу ташаббусни давом эттириб, юз минг АҚШ доллари ўтказди. Ҳиммат қилганлар орасида «Ўзбекнефтгаз» концерни, Тошкентдаги «Туркистон» фирмаси бор. Уларнинг ҳар бири қўшган бадал йигирма миллион сўмдан иборат. «Юлдуз» тикувчилик бирлашмаси ҳам хайрли ишдан четда қолмади. Ким Пен Хва номидаги халқ корпорацияси беш миллион сўм, Германиянинг «Интермед» фирмаси беш минг марка пул ажратди. Жамғарманинг мувaффақиятли ишлашига кўмаклашишни, олижаноб ва олийҳиммат ишда қатнашишни ҳоҳловчилар ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро «Соғлом авлод учун» жамғармаси учун қуйидаги ҳисобга пул ўтказишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси миллий ташқи иқтисодий фаолият банки, Давлат банки шаҳар бошқармаси. 172682116 — ҳисоб-китоб марказидаги 70000028 — ҳисоб варақаси. Шу ернинг ўзида 97082720 — валюта ҳисоб варақаси ҳам очилган.

Хайрия тадбири давом этади.

(ЎзА мухбири).

• *Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги олдидан*

ОРИФ, ОЛИМ ВА ҚАҲРАМОН

XV асргача бўлган меросимизга шамс ул-миллатимиз — Аляшер Навоий пок назари билан қарашга ўрганиб қолганмиз. Чунки бу буюк бобокалонимиз ижоди биз учун энг мўътабар миллий қомус янглиғ қадрли. Навоий асарларн бизга яна бир фахр ул-миллатимиз — Абулжаноб Аҳмад ибни Умар Хевақий, яъни Шайхи Валийтарош — Нажмиддин Кубро ҳақида ҳам бой маълумот беради.

НАЖМИДДИН КУБРО — Шарқнинг энг машҳур шайхларидан. У тасаввуфдаги кубравий тариқатнинг асосчиси, Хоразм тупроғида 1145—46 йили дунёга келиб, 1221/22 йили мўғул босқинчилари қўлида шаҳид бўлган. Даврининг кўп буюк шайхларию олимлари қўлида таълим олиб қайтганидан кейин ўз юртида хонақоҳ очиб, талай муридларни тарбиялаган. Инглиз шарқшуноси Ж. С. Тримингэмнинг ёзишича, Нажмиддин Кубронинг муридлари орасида 1219 йили вафот этган Мажидиддин Бағдодий ҳам бор эди. Мажидиддин Бағдоий эса машҳур сўфий шоир — 1225 йилга яқин вафот этган Фаридиддин Атторнинг пири бўлган. Фаридиддин Аттор, биламизки, Навоий болалигида тўлиқ ёдлаб олгани — «Мантиқ ут-тайр» достонининг муаллифи. Навоий умрининг охирларида ана шу «Мантиқ ут-тайр» жавобида «Лисон ут тайр» достонини битди. Демак, Навоийнинг Навоий бўлиб етишувида Нажмиддин Кубронинг бевосита ҳам, билвосита ҳам ҳиссаси бор.

Бу хоразмлик шайх асарларининг асосий қисмини араб тилида битган. Фақат бошловчи сўфийлар учун қўлланма сифатида яратилган «Сифат ул-адаб» асари форсийда ёзилган. Ж. С. Тримингэм бу асар тасаввуфнинг эронийлашувидаги муҳим босқич бўлганини қайд этади. Демак, араб оламида пайдо бўлган тасаввуф файласуфининг нафақат Аҳмад Яссавий тарафидан туркийлаштирилуви, балки, форсийлашуви ҳам ўзимизнинг Турон заминида юз берган экан.

Ана ўша «Лисон ўт-тайр»да Нажмиддин Кубро ҳақида бир ҳикоят бор. Баён қилинишича, Нажмиддин Кубронинг кароматларидан бири шу эканки, ул зоти шарифнинг назари кимга тушса, ўша пок назарга мушарраф бўлган кишида валийлик, яъни Худога яқинлик пайдо бўлар экан. Бизнинг дахриёна тарбиядаги тасаввурларимиз даб-дурустдан бу фикрни қабул қилолмайди. Аммо шунга амин бўлайликки, Навоийлар ана шундай бизга ғайритабиий туюлаётган хислатларга эга улуғ инсонлар даврасида ўсиб-улғайган ва шунинг учун шоирнинг бу эътирофида ёлғон йўқ. Ҳикоя қилинадики, ҳатто Нажмиддин Кубронинг назари тушган бир ит ҳам валий бўлибди. Ўша ит келиб, Шайх ҳузурида юз қўяди. Бошқа итлар унинг гирдида айланиб юрадилар. Гўё бу ит—шайх-у, бошқа итлар — муриддек. Улганидан кейин Шайх эшигида уни дафн қиладилар, атрофида парвона бўлиб юрган итлар эса, унинг қабри узра макон тутадилар. Бу ҳам худди улуғ авлиёлар мозори узра дарвешлар хонақоҳ қуриб, макон тутганларига ўхшайди. Ҳикоятда бу ит қабри ҳозир ҳам (Навоий даврида ҳам) борлиги айтилади. Шоир саодат аҳли итга назар солиб, унга ана шундай кишилик асарини юқтиришн мумкин, деб ёзилади.

Хўш, Нажмиддин Кубро ҳақидаги бу ривоят афсонами? Ахир, «Лисон ут-тайр» — бадиий асар бўлса. Балки, Навоий Нажмиддин Куброга ҳурматини бажо келтириш учун тўқиб чиқарган бадиий бир ҳикоятдир бу?

Йўқ. Навоийнинг пири ва устози Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс...»идан бошқа манбалар асосида тўлдиришлар билан таржима қилгани — «Насойим ул-муҳаббат...» тазкирасида ўқиймиз. «Ва аларни (Нажмиддин Куброни) Шайхи Валийтартош дебтурлар. Анинг учунки, важду ҳол (сўфийларнинг зикр вақтида ўзини йўқотиб, кучли завқу шавққа тушиши) ғалаботида муборак назарлари ҳар кимга тушса, валоят (валийлик) мартабасиға етар эрмиш».

ПРОФЕССОР НАЖМИДДИН КОМИЛОВ айтганидек, Турон заминидан чиққан буюк сўфийларнинг деярли ҳаммаси аввал ислом олими бўлган. Нажмиддин Кубро ҳам. Унинг тасаввуф йўлига кириши ҳам қизиқ. Нажмиддин Табризда бир устод қошида «Шарҳ ус-сунна» китобини, яъни пайғамбар суннатлари шарҳини жамоа билан ўқир эди. Мажлисга бир нотаниш дарвеш кириб келди. Шунда Нажмиддиннинг руҳида қаттиқ ўзгариш содир бўлди. Қироат қилишга ҳам мадори қолмади. У дарвеш Бобо Фараж Табризий экан. Ўша кеча Нажмиддин жуда беқарор бўлиб чиқди. Эрталабига қурсидек дурахшон (порлоқ) бўлди ва либоским, кийиб эрди, энгасиға олмай шикоф бўлди. Чун бир замондин сўнгра ўз ҳолиға келди, қўпти (турди) ва ул либосни манга кийдурди ва дидиким: «Санга дафтар ўқур чоғи эмас, вақттурки, оламнинг сардафтари бўлғайсен». Менинг ҳолим мутағаййир бўлди ва ботинном ҳар недин, ҳақ ғайридур, мунтақиъ бўлди (узилди)».

Шундан кейин дин илмидан таҳсил бераётган устози Нажмиддинга: «Бир-икки кун «Шарҳ ус-сунна»ни ўқиб, уни тугат, кейин ўзинг биласан», — дейди. Шу кунлари Бобо Фараж яна Нажмиддиннинг олдига келиб: «Тунокун манзили илм уляқиндин ўттунг. Бу кун яна илм бошиға борурсен?» — деди. Шу билан Нажмиддин дарс ўқишни тарк этиб, риёзат ва хилватга машғул бўлди, яъни тасаввуф йўлига кирди.

Воқеалар баёнидан биламизки, Нажмиддин Табризда таълим олади. Кейин Ҳамадонга бориб, ҳадис илми билан машғул бўлади. Шунда Искандарияда бир кучли муҳаддис чиқибди, деб эшитиб, Искандарияга илм истаб боради. Пирлари уни Мисрга — Шайх Рўзбеҳон ҳузурига ҳам йўллайдилар.

Эслаб ўтилганидек, шайхлар бир-бирларининг кўнгилларидан ўтказган фикрларини сўзу ифодасиз уқадиган фазилатга эга комил ва донишманд кишилар бўлган. Нажмиддин Кубро ҳаёти ҳақида Навоий Жомийдан таржима қилиб келтирган маълумотларда ҳам бу хусусда гап боради. Шайх Исмоил Қасрий ҳузурида ботин илмини, яъни тасаввуфни ўрганиб юрган кезлари бир кеча Нажмиддиннинг хаёлига: «Ботин илмидин хабардор бўлдунг ва зоҳир илминг (диний илминг) Шайх (Исмоил Қасрий) илмидин кўпрақдур» — деган шаддодона фикр келади. Эрталабигаёқ пири — Шайх Исмоил Қасрий устозидан: «Бобо Фараж хизматига борайлик», — деб илтимос қилди. Устозу шогирдлар биргалашиб Бобо Фараж хонақоҳига бордилар. Эшик оғаси — Бобо Шодон ижозат сўраб ичкарига — Бобо Фараж олдига кирди. Бобо Фараж унга: «Агар андоқки, Тенгри даргоҳиға борурлар, кела олсалар, кирдиклар (кирсинлар)», деб айтди. Бу нима дегани? Тангри даргоҳига қандай кириш керак?

Шунда Нажмиддин Кубро: — «Чун Бобонинг назаридан бахраманд бўлуб эрдим, сўзининг маънисини билдим», — деди-да, ана шу бизга жуда мавҳумдек туюлаётган жумланинг мағзини чақиб, маъносини аниқ тушуниб, кийиб турган барча кийимларини ечди. Оллоҳ яратган пайтдаги ҳолатга келди. Устозию бошқа шогирдлар ҳам шундай қилдилар. Кейин қўлларини кўксиларига қўйиб, Бобо Фараж ҳузурига кириб, тиз чўкдилар. Нажмиддин Кубро тилидан айтилган бу воқеа давомини Навоийнинг сўзлари билан келтирсак: «Бир замондин сўнгра Бобонинг ҳоли мутағаййир бўлди (ўзгарди) ва суратида азамате пайдо бўлди ва қуёш уни ёнига чорлаб: «Кўп, сафар қилки, санга Аммар Ёсир қошиға бормоқ керак», — дея унга ижозат беради. У ерда ҳам бир муддат илм ўргангач, яна бир кеча Нажмиддиннинг кўнглидан худди аввалгидек: «Менинг диний илмим устозимникидан кўп», — деган фикр кечади. Буни бу пир ҳам ўша заҳоти сезади ва эрталабигаёқ шогирдини ёнига чақириб, унга: «Нажмиддин, қўп-у, Мисрға бор, Шайх Рўзбеҳон қошиғаким, бу аноният (манманликни) силлий (мушт) била бошингдан чиқарғай», — дейди. Чиндан ҳам, Шайх Рўзбеҳон унинг бошидаги саркашликни, кўнглидаги ғурур — манманликни мушт билан йўқотади. Чунки, тасаввуфнинг ўзи, аввало, ана шу инсондаги ғурурни — манманлик ва худбинликни йўқотишдан иборат.

ВОҚЕА БУНДАЙ КЕЧАДИ. Мисрга — Шайх Рўзбеҳон хонақоҳига борса, Шайх таҳорат қилгани хонақоҳдан чиққан экан. Нажмиддин ҳам унинг кетидан чиқади. Кўрса, Шайх Рўзбеҳон шариат нуқтаий назаридан мумкин бўлмаган жуда оз сув билан таҳорат қиляпти. Нажмидни суфий, ҳам олим, ҳам шоир эди. Бу улуғ бобокалонимиз ҳаётининг якуни қалбида Ватан туйғуси бор ҳар бир киши учун бағоят буюк бир сабоқ. Мўғуллар Хоразмни босганда Нажмиддин Кубро барча муридларига: «Энди ҳар бирингиз ўз юртингизга боринг», — деб ижозат беради. Муридлар юртларига қайтадилар. Баъзи асҳоблари Шайхнинг ўзига ҳам юртдан чиқиш кераклигини айтади. Шунда Нажмиддин Кубро: «Биз куффор илкида (кофирлар қўлида) шаҳид бўлурбиз», — дейди. Муридлар тарқаб бўлганларидан кейин мўғуллар Хоразмни босади ва етмиш олти ёшга чиққан кекса Шайх қолган асҳоби билан ғазавот, яъни дин учун урушга киради ва шаҳид бўлади. Улар маҳали Нажмиддин Кубро бир мўғул аскарининг кокилини шундай маҳкам тутиб оладики, ўлганидан кейин ўн киши ҳам бу қўлдан кокилни айириб ололмайди. Охири ўша кокилни кесиб, қўлдан ажратадилар.

Навоий Жомийга таяниб, баъзилар, ҳатто Жалолиддин Румийнинг отаси — Мавлоно Баҳоуддин Валаднинг ҳам Нажмиддин Кубро муридларидан ҳисоблашларини айтган.

Хуллас, Нажмиддин Кубро нафақат фалсафа ва адабиётга, умуман, Шарқ тафаккурига таъсир этган чўнг зот эди. Шарқ фалсафасининг умумбашар тафаккури тараққиётида тутган ўрнини ҳисобга олсак, Нажмиддин Кубро Оллоҳ инсониятига неча-неча асрларда бир иноят қиладиган комил инсон эди.

Нажмиддин Кубро ҳақида жорий ёзувимизда босилган Навоий асарларидаги маълумотлару Жамол Камолнинг шоир рубоийлари таржимасидан бошқа айтарли ҳеч нарса йўқлигини ўйласак, ҳозирча бу буюк ватандошимиз, ҳатто миллий қаҳрамонимизни халқимизга таништириш учун тафсилий-баёний услубдаги мақолаларга кўп эҳтиёж борга ўхшайди. Ахир Нажмиддин Кубро бобомиз ҳаётининг ўзиёқ бизга бир улкан сабоқ эмасми?

ЭҲТИМОЛ, ҳар биримизнинг кўнглимиздан бот-бот «Аждодларимиз орасида буюк-буюк зотлар кўп ўтганининг сири нимада экан?» — деган ўй ҳам кечар. Буюкликнинг бир сири шунда эдики,боболаримиз бизга ўхшаб: «Ўмр — биргина тирикчилик ташвишлари ботқоғига шўнғиш билан ўтказиб юборилаётган нарса!» — деб қарамаганлар. Улар ИНСОН деган буюк шараф қадрини баланд тутиб, УМР деган буюкдан буюк неъматни ўзликдан кечиб, яъни кундалик турмушнинг майда-чуйда ташвишларидан устун келиб, баъзи бир ўткинчи ҳою ҳавасларнинг баҳридан ўтиб, ўзларини ҳам ақлан, ҳам руҳан ҳадди аълосида камолга еткариш дардида ёнганлар. Бу йўлда эса масофа билмай илму урфон истаб, дунё кезганлар Жаҳоннинг чеккасида бир зўр соҳиби тафаккур ва ё авлиёуллоҳнинг дарагини эшитсалар, шуни излаб, пою пиёда сафарга равона бўлганлар. XII—XIII асрларда, ҳали учқичлару поездлару автомобиллар йўқ бир замонда бобомиз Нажмиддин Куброни гоҳ Мисрда, гоҳ Саудияда, гоҳ Туркияда, гоҳ Эронда кўрамиз!..

Биз қадим маданиятга эга бўлган буюк бир халқ сифатида ҳозир ҳам шу йўлни маҳкам тутмас эканмиз, жаҳон тафаккури қаҳкашонида боболаримизга лойиқ ўрнимизни топа олмаймиз.

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоди.

Қабул имтиҳонлари арафасида

ОМАД БИЛИМДОНЛАРГА БОҚАДИ

Эртанги кунимизнинг қандай бўлиши бугунги ёш авлоднинг қандай тарбияланишига, камол топишига боғлиқ.

Андижон педагогика билим юрти ҳам 66 йилдан буён ана шу улуғ ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ўқув масканида етишиб чиққан ўн мингга яқин бошланғич синф ўқитувчилари Андижон вилоятида, Фарғона ва Наманганда баракали фаолият кўрсатишмоқда. Кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш сифатини оширишга эришаётган билим юрти жамоасининг фаолиятини янгиликларсиз тасаввур этиш қийин. Қабул олдидан ва янги ўқув йили арафасида бу ерда талай янгиликлар йўлга қўйилди. Улар нималардан иборат? Мухбиримиз билим юрти директори, педагогика фанлари номзоди, доцент Маҳмуджон КАМОЛИДДИНОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Ҳозир билим юртига кириб ўқиш иштиёқида юрган йигит-қизлар кўп. Бу йилги синовларда уларни қандай янгиликлар кутмоқда?

— Янгиликлар кўп. Улардан энг муҳими, Ўзбекистон Республикасининг «Халқ таълими тўғрисида»ги Қонунига асосан умумтаълим мактабларининг тўққиз йилликка ўтиши муносабати билан билим юртимизнинг барча бўлимларида 9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ёшларни қабул қилиш. Ҳозир ўқув масканимизда иккита бўлим ишлаб турибди. Уларда бошланғич синф ўқитувчилари, мактаб, болалар боғчалари учун мусиқа тарбиячилари тайёрланмоқда.

— Ўқишга кирувчиларга бу йил ҳам олдинги имтиёзлар сақланиб қолганми?

— Йўқ. Илгарилари ўрта мактабни олтин медаль билан тугаллаганларга имтиёз бериларди: суҳбатдан ўтиб, ўқишга қабул қилинарди. Бу йил бундай имтиёздан воз кечилди. Энди синов ҳаммага бир хил бўлади. Омад билимдонларга кулиб боқади. Янги ўқув йилидан бошлаб билим юртимизда ўқиш тўрт йиллик бўлади. Бошланғич таълимни такомиллаштириш мақсадида йўлга қўйилган бу муҳим янгиликнинг самараси катта. Ўқувчилар икки йил ўқишгач давлат имтиҳонларини топширадилар. Синовдан яхши ўтганлар яна ўз мутахассисликлари бўйича ўқишни давом эттиришади. Давлат имтиҳонларидан ўтолмаган ёшлар эгаллаган қўшимча касблари бўйича ҳунар-техника билим юртларига боришади. Янги ўқув йилидан бошлаб қўшимча касб соатларини жорий этамиз. Асосий мутахассисликдан ташқари қизларимиз тикувчиликни ҳам ўрганиб боришади. Йигитлар эса слесарлик, дурадгорлик касбларидан хабардор бўладилар. Билим юртимизда етти нафар фан номзоди, доцентлар ишлашади. Улар педагогика, физика-математика, филология ва руҳшунослик фанларидан ўқувчиларимизга чуқур ва пухта билим беришмоқда.

Республикамиздаги ҳеч бир педагогика билим юрти ҳали бундай кадрга эга эмас. Шуни ҳисобга олиб, билим юртимизни коллежга айлантирмоқчимиз. Яқин кунлар ичида республика Халқ таълими вазирлиги бу масалани кўриб чиқади. Мақсадимиз амалга ошса, кадрлар тайёрлаш қамровимиз кенгаяди: 1—9-синфларга муаллимлар тайёрлаб берамиз.

— Келажакдаги режаларингиз қандай?

— Айрим мактаблар бошланғич синфларида спорт ўқитувчилари йўқ. Шу ҳол болалар боғчаларида спорт йўриқчиларининг йўқлигида ҳам кўзга ташланади. Кейинчалик билим юртимизда шу соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз. Энг муҳими, умумий ишимиз битта: мустақил давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш. Шу улуғ ишга биз ҳам қур ва пухта билимли бошланғич таълим ўқитувчиларини тайёрлаш ва тарбиялаш билан ҳисса қўшамиз.

Суҳбатдош:

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.





• *Ишбилармон қандини урсин*

ГАНДУМТОШНИНГ МИНГИНЧИ МЕТР ГАЗЛАМАСИ

Вилоят ипакчилик бирлашмасида агроном бўлиб ишлаб турган Эргаш Норматовни Зарбдор районига ишга йўллашди. Эрта кўкламда район пиллачилик идорасига эгнига пижама кийган, кўринишидан камгап, ишбилармонлиги сезилиб турган 45—50 ёшлардаги бир киши ташриф буюрди.

— Мен Турсунўлат Азизовман. «Сўғдиёна» ишлаб чиқариш концернида пиллачилик бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлайман. Янги япон пилласини оммалаштириш юзасидан келгандим. Оласизларми, йўқми? Агар хўп десангиз, буюртма берсаларинг...

Эргаш меҳмондан янги навнинг афзалликларини сўради. У Япониядан келтирилиб, маҳаллийлаштирилаётган пилланинг серипаклиги, толасининг пишиқлиги ва бошқа хосиятлари тўғрисида гапириб берди. Гапнинг рости маҳаллийлаштириш ёмон натижа бермабди-ю, маҳаллий тўрачилик кўринишлари тўсқинлик қилаётган экан...

Эргаш қараса, меҳмон ҳам ўзига ўхшаш халқ ғамида юрганлардан экан. Унга юрагини ёрди.

— Концерн дедингиз. Ўзимиз етиштирган мана шу маҳсулотларни ўзимизда қайта ишлашни, пировард натижасида ўзимиз баҳраманд бўлишимизни йўлга қўйсак-чи? — деб меҳмондан маслаҳат сўради.

Шу учрашув уларнинг бошини бирлаштирди. Атлас ишлаб чиқарадиган кичик корхона ташкил қилишга келишиб олинди. Қишлоқ Кенгашининг ёрдами билан Жиззах районидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигидан корхона учун бино ажратилди. Эргаш Норматов Марғилонга борди — атлас тўқиш корхоналаридан иш ўрганиб қайтди. Усталарни гаплашиб, дастгоҳлар келтирди. Атлас тўқишни, шу жараёнда маҳаллий ёшлардан усталар тайёрлашни йўлга қўйди.

Йиллар суронли кечарди. Иқтисодий танглик кексадан тортиб ёшгача, ишчидан тортиб раҳбаргача — ҳаммани яшаш учун бош қотиришга, ўйлашга, изланишга даъват қиларди. Худди мана шу зарурат Ўзбекистонни ҳам ўзининг мустақил йўлини танлашга олиб келди. Майда корхоналар очиш, ҳунармандчиликка кенг йўл бериш тўғрисидаги республика Президентининг фармонлари мустақилликнинг ёркин нишоналари бўлди.

Эргаш Норматовнинг ташаббуси билан ташкил қилинган «Навбаҳор» деб аталувчи мўъжазгина янги корхона бугун тўла шаклланиш босқичига кирди. Унда бор-йўғи 8 киши меҳнат қилаяпти. Унда фақат атласгина эмас, поёндоз ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Корхона тўқувчилари ҳар ойда 40—50 метр атлас ва шунча миқдорда поёндоз ишлаб чиқармоқдалар.

— «Қимирлаган қир ошар» экан, — дейди Эргаш Норматов. — Яқинда корхонада мингинчи метр атлас ишлаб чиқарилганлигини нишонладик. Ҳозирча оз. Ёрроқ биз учун муҳими эмас. Муҳими — ҳозиргача бизнинг минтақада бирор ерда синаб кўрилмаган жойда — Гандумтош қишлоғида газлама тўқиб чиқаришни кенгайтириш учун муҳит яратилди. Кадрлар тайёрланиб, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилишига асос яратилди. Келгусида корхонамизни янада кенгайтириб, гилам ва шолча тўқиб чиқаришни йўлга қўйиш ниятимиз бор. Корхона эса ўзининг махсус биносига эга бўлади.

Эргаш Норматов фермер бўлибди! Агрономликни ташлабдими? Қаёқда! Ишни билган қандини урсин! «Яхши кўзи икки онани эмади», деб бекорга айтишмаган.

Мухтор АЛИҚУЛОВ,
Жиззах районидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги.

ШУ КУННИНГ ФИДОЙИЛАРИ

Айни кунларда республикамизнинг кенг далаларида халқимизнинг ризқ-насибаси бўлмиш ғалла ўрим-йиғимни тобора авжига чиқмоқда. Кўплаб хўжаликларда йиллик режа уддаланган ҳақидаги хабарлар келиб турибди. Зафаробод районидаги Беруний номли давлат хўжалиги деҳқонлари кузда яхши ният билан 1060 гектар майдонга ғалла экишганди. Ҳозир эса далаларда ўрим қизғин. Миришкорлар ҳар бир кундан, ҳар бир соатдан унумли фойдаланишмоқда. Ғаллакорларнинг нияти ҳар гектар майдондан режадаги 13,2 центнер ўрнига 15 центнердан ҳосил олиш. Чапдаги суратда хўжалик раҳбари Мамадиёр Нуралиев ишчилар даврасида.

Меҳнатобод районидаги Ғ. Юнусов номли давлат хўжалиги 9-бўлимининг Эргаш Мирзаев бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил режадаги 17 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 23 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Албатта, шўрҳоқ ерлар учун бу юқори ҳосил ҳисобланади. Ўнгдаги суратда илғор бригада бошлиғи Эргаш Мирзаев.

Пастдаги суратда эса шу хўжаликнинг И. Қўзибоев бошлиқ бешинчи бўлими механизатори Мурод Мусаевни кўриб турибсиз. У ғўза парваришида кўпчиликка ўрнак бўлаяпти.

У. ҚУШВОҚОВ ва
Н. АЛМУРОДОВ
олган суратлар.

• *Қурилишдаги янгилик*

БУЮРТМАЧИНИНГ АЙТГАНИ-АЙТГАН

Сурхондарё вилояти қурилиш тресги мустақиллик берган имкониятлардан баҳраманд бўла бошлади. Бу нималарда кўринади?

— Иш режаларининг, моддий-техника таъминотининг юқоридан белгиланиши қурувчиларни бамисоли тушовлаб қўйганди, — деб таъкидлайди вилоят тресги бошқарувчиси Абдусаттор Ҳайитов, — Мустақиллик шарофати билан бинокорлар эмин-эркин иш тутадиган, қурилишлар қачон тугалланишини буюртмачи хоҳиши билан ўзлари белгилайдиган бўлдилар.

Бу — қурувчининг ўзи хон, кўланкаси майдон, дегани эмас. Таъбир жоиз бўлса, бинокорнинг хўжайини — буюртмачи. Қурувчига буюртма берган ташкилот, корхона, хўжалик ёки идора бинокорлик ташкилотига пул беради-ми, беради. Пулини олгач қурувчи ҳам ишни вақтида ва сифатли бажариб бериш ҳаракатида бўлади.

Бундай тартиб бинокорлар иқтисодий-техника кўрсаткичлари яхшиланиб боришига ёрдам беряпти. Шундай усулда ишлаш туфайли трестнинг туман ва шаҳарлардаги бўлинмалари қисқа вақт мобайнида 646 квадрат метр уй-жой бинолари тиклашга муваффақ бўлдилар. Вилоят марказида кичик аҳоли туманлари барпо этилиб, уларда қатор ҳовли тўйлари ўтказилди.

Вилоят қурувчилари яна бир янги ишга қўл урдилар. Ишлаб чиқариш, маданий ва маиший аҳамиятга эга бинолларни ҳар жиҳатдан мукаммал, маиший хизмат қисмлари билан тўла (комплекс) қуриб бериш кафилини ҳам олдилар. Қурилиш ишларидаги бу усул буюртмачиларга маъқул тушмоқда.

Шунинг учун ҳам вилоят тресги бўлинмаларига корхона ва хўжалик ташкилотларидан кейинги вақтда кўплаб буюртмалар тушадиган бўлиб қолди. Улар орасида Шеробод, Шўрчи, Денов туманларида янги пахта тозалаш заводлари, пахта сақланадиган замонавий омборхоналар, нефть маҳсулотлари сақланадиган жойлар қуриш юзасидан буюртмалар вақтида бажарилди. Яна 42 минг ўринли мактаблар, вилоят касалхонаси ҳузурида 5 та иншоот, замонавий болалар шифохонаси, нон корхоналари ҳам келишилган муддатларда фойдаланишга топширилди.

Трест бўлинмаларидаги ишчи ва мутахассислар ишни шартнома талаблари асосида ташкил этишга одатланиб боришмоқда. Иморатларни тиклашда илғор иш усуллари кенг жорий этилмоқда.

А. ПАРДАЕВ,
Сурхондарё вилояти.

ГОЛЛАНДИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

● Республикамиз Президенти И. Каримовнинг Голландияга сафари чоғида имзоланган ўзаро дўстлик ва иқтисодий ҳамкорлик шартномалари қисқа фурсатда ўзининг амалий самараларини бера бошлади.

Ундан хоразмликлар ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Яқинда вилоятнинг тайёрлов идораларига қарашли темир йўл бекатларига Голландиядан Санкт-Петербурггача денгиз йўли орқали, у ердан эса вагонларга ортиб жўнатилган 600 тонна уруғлик картошка етказиб келтирилди. «Фреско» ҳамда «Диамад» деб аталган сара бу уруғлик вилоятнинг барча туманларига улашиб берилди. Ана шу уруғлик ўнлаб хўжаликларнинг кузги буғдой ўриб-йиғиб олинган 200 гектар майдонига Голландия технологияси асосида экилиб, ана шу йўсинда парвариш қилинади. Мутахассислар Хоразм иқлим шароити Голландия табиатига ўхшаб кетишини назарда тутиб, янги дўстлар диёридан келтириб экилган картошка пайкалларининг ҳар гектаридан 200—250 центнердан хирмон кўриш ва ундан уруғлик тайёрлаш мумкин, деб ҳисобламоқдалар.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Ёднома

ҲАР ИШГА ҚОДИР ЭДИ



«Ўзбекистон овози» бағрида не-не оташқалб қаламкашлар етишиб чиқмаган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир дунё эди. Шулардан бири Самад Қодировдир.

«Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газеталари эндигина оёққа тураётган давр эди ўшанда. Мен шу газеталарнинг муҳаррири эдим. Бир куни хонага Самад ака кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашгач:

— Кўнглимда бир ният бор, билмадим, қандай тушунасизлар, — деди у. — Ўзим Қашқадарё вилоятининг бир қишлоғида туғилганман. Ўша ерда униб-ўсдим, мактабни битирдим. Томирим қишлоқдан бўлгани учунми, билмадим, ҳар ҳолда журналист сифатида қишлоқ ҳаётидан мақолами, очерк ҳатто хабар ёзсам ҳам танам яйрайди, руҳимда қандайдир ажиб бир ўзгариш рўй беради. Гапнинг қисқаси, лозим кўрсаларинг, мен шу газетада хизмат қилсам. Содда, кўнгли пок, тенги йўқ заҳматкаш кишилар даврасида бўлиб, улар билан — қишлоқ кишилари билан доимо мулоқотда бўлсам.

Гапини тугатгач, савол назари билан менга қаради. Касбдош ўртоғимнинг кўзларига мен ҳам беихтиёр тикилиб қолдим. Қанчалик самимий боқарди бу кўзлар. Худди дил кўзгуси каби унинг қалбини акс эттириб тургандек туюлди менга. Гаплари чин дилдан эканлигига заррача бўлса ҳам шубҳа йўқ эди. Нима ҳам дердим.

Ёши элликлар атрофида, неча йиллардан бери «Совет Ўзбекистони» газетасида хизмат қилади. Ҳаёт муаммолари таҳлил этилган мақолалари билан, жозибали очерклари билан аллақачон элга танилган, касбдошлари томонидан тан олинган журналист. Ким ҳам қувонмайди бундай тасодифга. Агарда ўша пайтдаги жамоамиз асосан эндигина ўзига йўл очаётган ёшлардан иборат эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, бу воқеа бизга Худонинг марҳамати эди, деса ҳам бўлаверади.

— Ким бўлиб ишлаш ниятингиз бор? — сўрадим ундан.

— Ҳақиқий қалами бор киши учун мансабнинг мутлақо аҳамияти йўқ, — бир дақиқа ҳам ўйламай жавоб берди у, — буни ўзингиз ҳам биласиз-ку. Журналистни элга эгаллаган курсиси эмас, ижоди танитади, шундай эмасми? Мен учун барибир, сизлар билан бирга бўлсам, шу газетанинг ходими сифатида юртни кезсам. Бундан ўзга мақсад йўқ менда.

— Майли, розиман. Кўнглингизга келмаса, газета ҳайъати аъзолари билан маслаҳатлашиб олсак. Узил-кесил жавобни эртага оласиз.

Шундай қилиб, Самад Қодиров редакциянинг энг катта ва етакчи бўлими — қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири бўлиб ишлай бошлади. Самад аканинг иш қобилиятига кўплар ҳайрон қоларди. Баъзи ходимлар 100-150 сатр мақолани кун бўйи ишлаб, ўшанда ҳам поёнига етказа олмаётган бир пайтда, вазият талаб қилса, у бир кунда газетанинг бутун саҳифасига етарли мақола ва хабарларни тайёрлаб ташларди. Яна ҳеч қандай ажабланарли воқеа юз бермагандек, тинчгина ўз иши, бўлим ходимлари билан банд бўларди. Бўлар-бўлмасга хизматини пеш қилишни, кимгадир кўз-кўз қилишни билмасди, раҳматли. Гўё газетачи худди шундай бўлиши керак, шундай ишлаши лозим.

Самад ака фақат сермаҳсул ходимгина эмас, у айни пайтда изланувчан, тиниб-тинчимайдиган ижодкор эди. Эсимда, хонага бир оз кулимсираб, мамнун ҳолда кириб келарди.

— Агар, маъқул кўрилса, бир ғоя туғилди, — деб гап бошларди.

Шундай дедими, билингки, қандайдир муҳим мавзуни кўтариб келган, мақсадини лўнда қилиб тушунтирар, агар маъқул топилса, эртага эрта билан сафарга отланишга тайёр эканлигини билдирарди. Ғайратига, жонсаркилигига тан бермасликнинг иложи йўқ эди. Гавдали бўлгани билан ниҳоятда сер ҳаракат эди. Бошқача айтганда ўзи алпдай, ишлари ҳам...

Бир куни шундай деб қолди: полиз маҳсулотларининг сифати пасайиб кетяпти, инсоф ва диёнатни ютган кимсалар қовун-тарвузлар кўпроқ тош босишини ўйлаб, қимёвий ўғитларни ишлатишда меъёрга амал қилмаяптилар. Оқибатда пулига шу маҳсулотларни сотиб олган кишилар касалликка чалиниб, озор чекишяпти. Деҳқон қиёфасидаги ана шундай товламачиларга айтадиган аччиқ, аммо очиқ гаплар зарур ҳозир, деб ўйлайман.

Бундай савоб ишдан ким ҳам ўзини четга оларди. Орадан кўп ўтмай, газетада шу долзарб мавзуда донгдор деҳқонларимиз ва олимларимизнинг республика қишлоқ хўжалиги ходимларига мурожаати эълон қилинди. У халқона тилда, жарангдор оҳангда ёзилганди. Мурожаат Марказий Комитет секретариатида кўриб чиқилиб, махсус қарор қабул қилинди, газетанинг бу иши маъқулланди. Қарорда мазкур мурожаат барча вилоятларда, районларда, давлат ҳамда жамоа хўжаликларида кенг ишлаб чиқилиши, шунга биноан қовун-тарвузлар сифатини яхшилашга қаратилган зарур тадбирлар белгилаш лозимлиги уқтирилди.

Самад Қодиров «Совет Ўзбекистони»да ишлаган йилларида, боя айтганимдек, республикага кенг танилган, катта обрў орттирганди. Вилоятларга борганда асосан биринчи раҳбарлар уни қабул қилишга, у билан суҳбатлашишга албатта вақт ажратарди. Районларда эса кўпинча биринчи раҳбарнинг ўзи унга ҳамроҳлик қиларди. Сафардан одатда энтикиб, ҳаяжон билан қайтиб келарди. Мўлжалдагидан ташқари яна қанчадан-қанча мақолалар тайёрлаб беришини айтарди. У бутун борлиғи билан меҳр қўйганди қишлоқ меҳнат аҳлига.

Самад Қодиров жуссаси каби, бағри ҳам кенг инсон эди. Ходимларига ўта меҳрибонлик кўрсатарди. Бордию улардан бирортасининг мақоласи ушланиб қоладиган бўлса, куйиб-пишиб тезроқ чоп этилишини сўрарди, баъзан эса талаб қиларди. Самад аканинг жамоа аъзоларига эркалиги ҳам ўзига ярашарди. Унинг баъзи шундай талабларини ўзимизга оғир олмасдик. Иш бор жойда хато бор, дейишади. Бордию ходимларидан кимдир камчиликка йўл қўйса, шу сабабли унга нисбатан маъмурий чора қўрилмоқчи бўлса, яна ўша тантилиги ва мардлигини кўрсатарди. «Шу айбни у эмас, мен қилибман, бўлим мудири бўлгач, жавобгар менман,» дейишдан ор этмасди.

Ўша, «Совет Ўзбекистони»да ишлаган узоқ йиллар мобайнида Самад ака жуда бир савобли ишга қўл урганди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси сифатида жанговор дўстларининг кўрсатган мардлиги ва жасоратига бағишланган кўплаб мақолалар, очерклар ижод этди. Кейинчалик шу мавзуда «Қуролдошлар» номли китоби ҳам чоп этилди. Ҳаёт-мамот олишувларида ўзини кўрсатганлар ўша пайтларда ҳукумат мукофотларига тақдим этилгандилар. Лекин шундай ҳам бўлганки, олатасир, алғов-далғов паллада турли сабаблар билан баъзилар ўзларининг орден ва медалларини кейинчалик ҳам ололмай қолганди. Самад ака ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб, кўпгина ана шундай собиқ жангчиларни аниқлади. Мудофаа министрлигининг архивларидаги ҳужжатларни титкилай-титкилай, аниқ факт ва далиллар билан улар кўрсатган мардликни ёритиб берди. Натижада қанчадан-қанча собиқ жангчилар ўз мукофотларини орадан 25-30 йилдан сўнг олишга муваффақ бўлдилар.

Сермаҳсул ижодкорнинг янги очерклар тўплами, қиссалари бирин-кетин эълон қилинаётган эди. Самад Қодиров ижодий режалар билан ғарқ эди. Жамоа орасида унинг шаънига шогирдларидан бири ёзган қуйидаги шеър ҳам бежиз эмасди.

Самад Қодир қодир эди ҳар ишга,
Ҳамла қилса саҳифалар битарди.
Ёзганларн манзур бўлиб барчага
Газетамиз обрўсини кўтарди.

Ўша йили Болтиқбўйи республикаларини фашистлардан озод этиш жангларида бевосита қатнашган Самад Қодировни Ғалаба байрами куни муносабати билан Юрмалага таклиф этишди. Бошқалар қатори у ҳам ўша ерда меҳнат жамоалари билан учрашди, шу ерларда бўлиб ўтган омонсиз жанглар ҳақида ҳаяжон билан сўзлаб берди.

Сафардан ниҳоятда ҳурсанд ҳолда қайтиб келди. Кўрсатилган ҳурмат ва эҳтиром қаттиқ таъсир қилганди унга чамамда. Бу воқеа май ойида бўлганди. Орадан бир ойлар чамаси ўтгач, меҳнат таътили беришимизни сўради ва яна Юрмалага бориш ниятида эканлигини айтди. Ҳайрон бўлдим, шу сабабли дедим:

— Ахир у ерда яқингинада бўлган эдингиз, балки бошқа бирор жойда дам олсангиз бўлармиди...

У ўйланиб қолди. Негадир ҳа деганда саволимга жавоб беришга ошиқмади. Учқич хаёллар уни аллақаерларга етаклаб кетганди. Худди ҳозиргидек кўз олдимда турибди унинг қиёфаси. Самад ака ерга қараб турган бошини аста кўтарди, жилмайган ҳолда менга тикилиб сўзлай бошлади:

— Гапингиз тўғри. Нима учундир оёғим яна ўша ерларга тортяпти, кўнглим тағин у ерларга талпинаяпти. Нега шундай бўляпти. ўзим ҳам ҳайронман...

Ким билибди дейсиз, Самад ака билан мазкур суҳбатимиз охирги эканлигини. Биз «оқ йўл» тиладик, у эса жўнаб кетди. Жўнаб кетишда ўз оёғи билан, лекин у ердан... тобутда олиб келишди. Водариғ! Нега уни ўзга ерга бориб, дам олишга, жилла қурса ўз юрти — Қашқадарёга боришга қаттиқроқ ундамадим, деб афсусланаман. Бу ҳам юракдаги бир армон. У авжи куч-қувватга тўлган пайтда, ғарқ мевага кирган бир паллада орамиздан кетди.

Бир нарса кишига тасалли беради. Инсоннинг қадр-қиммати бу дунёда қанча йил яшаганлиги билан эмас, балки қилган ишлари, қолдирган излари билан белгиланади. Самад Қодировдан қўшаққўша китоблар, содиқ шогирдлар, кўплаб ажойиб мақолалар ва очерклар қолди. Унинг фарзандлари худди отаси каби юртга сидқидилдан меҳнат қилишяпти. Ҳамюртлари ҳам хотираси ҳурматини жойига қўйишяпти. Ўзи ўқиган мактаб эндиликда Самад Қодиров номи билан аталаяпти.

Ҳовлимизда тўрт туп ток бор. Ҳар сафар уларни парваришлаганимда, соя-салқинидан баҳраманд бўлганимизда, ширин-шакар меваларидан татиганимизда Самад ака-ни эслаймиз. Чунки у кўчатларни раҳматли олиб келганди. Эндиликда токлар авжи ҳосилга кирган. Қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, бола-чақа-неваралар, хатто ишхонадаги касбдош дўстларим ҳам баҳраманд ундан. Ширраси ўткир «ҳасайни», бўлали узум. Кимнинг оғзи тегса «экканга раҳмат» дейди. Самад ака орамиздан кетганига анча йиллар бўлди. Лекин ҳамон унинг руҳига раҳматлар ёғилиб турибди. Илоё, яратган Эгамнинг ўзи раҳматига олганлиги ҳам рост бўлсин.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ.

РАҲБАРДАН ПУТУР КЕТСА...

Жамиятнинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги унда қонунларнинг қай даражада амал қилиши билан белгиланади. Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳозирги шароитида қонунларга қатъий риоя қилиниши ниҳоятда зарурдир. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов барчамизни жамиятдаги қонунбузарликларга, тартиббузарликларга қарши аёвсиз курашга чорлаяпти.

Қонунчилик ярим-ёртиликни, пала-партишликни ёқтирмайди. Унда ҳар бир ҳаракат охиригача етказилиши керак. Акс ҳолда адолатсизлик пайдо бўлади. Адолатсизлик келиб чиқишининг яна бир сабаби — қонунни билмаслик ёки уни тан олмасликдир. Яшириб нима қиламиз: ҳали ҳам кўпгина раҳбар ходимлар қонунларни менсимай, ўз билганларича иш тутмоқдалар. Шу боис ҳар йили ишдан ноҳақ бўшатилган юзлаб фуқаролар яна ўз вазифаларига тикланмоқдалар, талон-торож қилинган давлат мулки жойига қайтарилмоқда. Энг ёмони, бу ишларнинг бошида у ёки бу жамоа раҳбари турибди.

Фикримнинг исботи учун мисол келтирмоқчиман. Каттақўрғон сув омбори шаҳарчаси кенгаши депутати Мамашукур Чориев фуқаро Абдуалим Эргашевга қасддан оғир тан жароҳати етказган. Қарангки тергов давомида Мамашукурнинг бу қилмишини баҳолаш масаласини қўйганимизда уни ҳимоя қилувчилар топилиб қолди. Бу ишда фақат қўрғон кенгаши раоллари эмас, район кенгаши депутати Анвар Ғолимов ҳам бош қўшган. Ваҳоланки, М. Чориев 43-мактабда директор ўринбосари бўла туриб, жиноят содир этган. Охири у терговчи ва менинг аралашувим билан вазифасидан четлатилди.

Табиий офат туфайли райончимизда чигит икки-уч қайталаб экилди, харажатлар кўпайиб кетди. Ана шундай бир шароитда Абдушукур Назаров номли жамоа хўжалиги раисининг ўринбосари Олим Мустафоев мансабини суиистеъмол қилиб, хўжаликка олиб келинган алоҳида навли уруғдан 4750 килограммини «Мойбулоқ» хўжалигида яшовчи Зайниддин Қундузхоновга нақд пулга сотиб юборган. Охир-оқибатда О. Мустафоев ва З. Қундузхонов жиноий жавобгарликка тортилдилар ва келтирилган 38 минг сўмлик зарар ҳамда чигит хўжаликка қайтарилди. Тергов давомида маълум бўлдики, бу хўжаликда раҳбарлар «Сен менга тегма, мен сенга» қабилида ишлашаётган экан. Шу сабабли бу ерда интизом, тартиб бўшашиб кетган, қонунларга амал қилинмайди.

Район ички ишлар бўлими ходимлари билан ўтказилган текширишдан шу нарса маълум бўлдики, Ҳол Комилов номли жамоа хўжалиги раиси Муртазо Туропов 7 тонна шакарни ўз укаси орқали хўжаликка умуман алоқаси бўлмаган шахсларга сотиб юборади. Ҳатто бу ҳақда бошқарувнинг сохта қарори ҳам чиқарилган. Ваҳоланки, шу жамоа хўжалиги аъзолари дўконма дўкон шакар ахтариб юришибди. Бундан ташқари М. Туропов хотини Х. Ботировага чорбоғ қоровули, деб қонунсиз равишда 4950 сўм тўланишига йўл қўйган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шахсий манфаатини бу қадар устун қўйган раҳбарлар қандай қилиб бошқаларни тўғри йўлга бошлаши мумкин?

«Янгиобод» жамоа хўжалиги раиси Шамси Умаров хўжалик Уставига риоя қилмай, шахсий адовати туфайли бош иқтисодчи Салоҳиддин Эшмуродовни қонунсиз ишдан бўшатган. Натижада прокуратура протестига кўра С. Эшмуродов вазифасига тикланди. ва бекор юрган 9 ой учун унга иш ҳақи ундириб берилди.

Назаримда, айрим раҳбарларимизда оддийгина бағрикенглилик, саҳоват, мурувват етишмайди. Умуман, биз раҳбарлик этикасини, қонун-қоидаларини бузаётган шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўришимиз керак.

Бундай мисолларни яна ва яна келтириш мумкин. Айрим ташкилот раҳбарлари юқоридан рухсат берилганлигини баҳона қилиб, жамоага тегишли автотранспорт воситаларини ўзига тегишли кишиларга сув текинга сотиб юборишган. Баъзи раҳбарлар эса Президент фармонларини баҳона қилиб, ҳали мактабда ўқийдиган ёки туғилмаган фарзандларига ҳам турар жой ёки томорқалар олишган. Хуллас, ҳуқуқий давлат қураётган эканмиз, қонунга ҳамманинг баб-баравар риоя қилишини таъминлаш энг асосий вазифадир.

Зафар ШАМСИЕВ,
Каттақўрғон район прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.



Меҳнатобод районидаги И. Охунбобоев номли ширкатлар уюшмасида ғўза парваришни кўнгилдагидай олиб бориляпти. Айни пайтда ниҳоллар гулга кирди. Эндиликда уларни чанқатиб қўймаслик муҳимдир. Бу ишда тўртинчи бўлим сувчиси Исроил Мардонов кўпчиликка ибрат бўлмоқда. У 30 гектар майдонга бир текисда сув тарамоқда.

СУРАТДА: Исроил МАРДОНОВ.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

F. ХАЙДАРОВ, М. ИНОМОВ

Тожикистон: ХАЛҚ ФОЖИАСИ ВА ДАРД-АЛАМИ

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

— Ўзбекистон Тожикистондаги ижтимоий-сиёсий аҳволнинг барқарорлашувини чин дилдан истайди, — деди Президент. — Минг-минглаб ҳеч бир гуноҳи бўлмаган кишиларнинг тўкилган қони, қарама-қарши гуруҳлар кенг миқёсларда олиб бораётган кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қирғин — буларнинг барчаси нафақат тожик халқи, балки бутун Ўрта Осиё бошига тушган балои офатдир. Ўзбекистон ўз биродарларига қўлидан келган ҳар қандай кўмакни беришга тайёр. Қиш яқинлашиб келяпти, бу эса очарчилик демакдир. Қийинчиликларга қарамасдан биз у ёққа озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, агар зарур бўлса — врачлар бригадасини ҳам жўнатамиз. Менинг назаримда, Олмаота учрашуви барчамизнинг хаёлимизни банд қилиб турган асосий савол — аланга ичида қолган Тожикистон республикасини қандай қилиб инқироздан олиб чиқиш керак? — деган саволга жавоб бериш имконини яратди. Буни тожикларнинг ўзи, халқ томонидан қонуний сайланган ноиблар амалга оширадилар!

Ҳар иккала президент ўз фикр-мулоҳазаларини билдираётган чоғда Аскар Ақаев одатдагидек кулимсираб, ўз ҳамфикрларининг мулоҳазаларини маъқуллагандек бош иргаб ўтирарди. Ғарбда ўзининг мулойимлиги, ҳамсуҳбатларининг фикрини ҳамиша маъқуллашга шай бўлганлиги туфайли «жаноби — Ҳа» деган ном олган Андрей Козирев Олатов ёнбағрида ҳам ўзини жуда эркин тутди.

— Россия Тожикистонда юз бераётган воқеаларга ҳеч ҳам бефарқ қарай олмайди, — деди Россия Федерацияси ташқи сиёсий алоқалар идораси раҳбари. — Бу ерда муттасил равишда тожик-афғон чегараси очиб қўйилганлиги фақат мазкур минтақа учун хавф туғдириб қолмасдан ҳатто Россияга ҳам хавф туғдираётганлигини таъкидлаган президент Каримовнинг сўзларига кўшилмаслик мумкин эмас. Биз узоқ йиллардан буён мавжуд бўлиб келган Тожикистон билан ўзаро яқин алоқаларимиздан воз кеча олмаймиз. Бинобарин, у ерда русийзабон аҳоли ҳам кам эмас.

Хўш, бу мулоҳазаларга Акбаршо Искандаров нима деб жавоб берди? У ниҳоятда тажанг, асабий ҳолда ўтирарди. Олмаота учрашувларига Сиз қандай баҳо берасиз. деган саволга Тожикистон парламент етакчиси даставвал, Тожикистонга кўрсатаётган ғамхўрликлари учун президентларга узуқ-юлуқ миннатдорчилик изҳор этиб, сўнг деди:

— Хўжандда бўлиб ўтадиган сессия Тожикистоннинг сиёсий тизими бундан кейин қандай бўлиши ҳақида пировард жавобни бериши керак. Биродаркушлик урушини тўхтатиш учун қўлдан келган ҳамма ишни қилиш керак. Умид қиламанки, йигирманчи ноябрга қадар парламент Ленинобод вилоятида тўпланади. Унинг ишида Ҳамдўстлик мамлакатларидан кузатувчилар иштирок этиши яхши бўлади. Чунки мухолафат Олий Кенгашнинг ушбу сессиясига қаршилик қилади.

Учрашув қатнашчилари анъанавий кечки зиёфатга ҳам қолмай, шу куни кечқурун Олмаотадан учиб кетишди. Ислом Каримов — Тошкентга, Асқар Ақаев — Бишкекка, Акбаршо Искандаров ва Андрей Козирев Россия тайёрасида — Душанбега йўл олишди.

Тожикистонга ёрдам берамиз, дея сўз берган қўшни республикалар ўз ваъдаларининг устидан чиқдилар. Қозоғистондан таланган, қонга ботган бу давлатга ғалла келтирила бошланди. Ўзбекистон эса ўз қўшнилари учун ун, шакар, макарон маҳсулотлари, ўсимлик мойи, гуруч ва дори-дармонларни муттасил равишда юбориб, дўстона «кўприк» қурди. Ҳукумат қўшинлари ва халқ фронти «гвардиячи»лари томонидан озод қилинган районларга врачлар бригадаси етиб борди. Ахир, ярадорлардан, очлик азобига йўлиққанлардан ташқари, республикада терлама эпидемияси ҳам тарқалган эди-да. Ўзбекистонда миллионлаб кишилар қўшниларнинг қайғу-аламларини юрак-юракдан изтироб билан қабул қилдилар. Турли миллат вакилларидан иборат маданий марказларнинг ташаббуси билан Марказий Осиё халқларига ва ҳукуматларига Тожикистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш фонди тузиш хусусидаги Мурожаат қабул қилинди. Тез орада мазкур фонд учун маблағ йиғила бошлади. Ҳар ким қўлидан келганича: биров ўн сўм, биров минг сўм ёрдам берарди. Бу хайрли, савобли ишдан меҳнат жамоалари ҳам четда қолмади. Бир ҳафта ичида мазкур махсус фондга ўзбекистонликлардан миллионлаб сўм келиб тушди. Қисқа муддатларда Душанбега болалар кийимлари, озиқ-овқат, дори-дармонлар билан лиқ тўла иккита тайёра учиб борди. Ушбу маблағларни турли миллий марказлар ҳадя этишган эди. Зеро, буларнинг барчаси — Ўзбекистон ҳукумати кўрсатаётган ёрдамдан ташқари қилинаётган хайру саховат эди.

Аммо бу кўрсатилган ёрдамлар турли-туман сиёсий найрангларга ҳам сабаб бўлди. Тожикистонда ҳам, хорижий мамлакатларда ҳам «Ўзбекистоннинг экспансионистик фаолияти янги бир геосиёсий майдон ташкил этишга қаратилган бўлиб, унда мустақил Тожикистон бор-йўғи тобе бир вассал бўлиб қолади» — деган миш-мишлар авж олиб кетди. Бундай миш-мишлар нима учун керак бўлиб қолди?

Биринчидан, жамоат фикрини ҳақиқий аҳволдан чалғитиш учун, қолаверса, вужудга келиши эҳтимол тутилаётган янги «катта оға»нинг тазйиқи билан оммани қўрқитиб қўйиш учун керак эди.

Иккинчидан, жаҳон жамоатчилигини Тошкент ва Олмаота биродаркушлик урушини тугатиш йўлида олиб бораётган сермулоҳаза, вазмин сиёсатга қарши гижгижлаш учун зарур эди. Бу мақсадга эришиш учун улар ҳеч қандай воситалардан қайтмадилар. Тожик мухолафатчилари — Демпартия, Ислом уйғониш партияси етакчилари, қозилик «Кўлоб жангарилари» Тошкентдан келаётган қурол ва пуллардан фойдаланаётир, қолаверса уларга Афғонистон ҳарбий кучларининг ўзбекпараст генерали Дўстум ҳам кўмаклашаяпти, дея муттасил равишда айюҳаннос солиб келишарди.

Учинчидан, яна аввалдан синалган «зот қарталар» ишга тушган эди. Ҳайратланарли бўлса-да, аниқ факт: кўплаб ахборот агентликлари яна аввалгидек Раҳим Масовнинг «Калтафаҳмларча чегара ўтказиш тарихи» китобидан иқтибос келтиришни канда қилмасдилар.

Бироқ ислом ақидапарастлари томонидан йўлдан урилган юз минглаб тожиклар эрон типидаги «ислом давлати» қандай эканлигини бошдан ўтказганликлари сабабли энди бу мутаассибларга ишонмай қўйган эдилар.

Қилинган башоратларга қарамай, Хўжандга амалда Тожикистон Республикасининг барча халқ ноиблари етиб келдилар. Сирдарёнинг қирғоқларига ястанган мазкур шаҳарга мухолафатдаги партиялардан ҳам бир қатор вакиллар етиб келишди. Табийки, қозикалон — Хўжа Акбар Тўражонзода сессияда иштирок этишдан воз кечди. Қасосдан қўрқиб жангарилар ҳимоясида юрган Тўражонзода муттасил ўз жойини ўзгартирар, ақидапарастларнинг қонхўр каллакесарларига раҳбарлик қилар эди.

...Хўжандда осойишталик ҳукмрон. Гўё бу дилбар ўлкага қиш ҳам келишни истамаётгандай. Кўчалар ва хиёбонлар олтин япроқлар билан зийнатланган. Ваҳоланки, ноябрнинг сўнгги кунлари эди. Ҳаммаёқда одамлар. Тожиклар, ўзбеклар, руслар, немислар. Барча асосий чорраҳаларда пулемётлар ўрнатиб ташланган бронетранспортёрлар турарди.

Бунинг боиси бор эди албатта. Бу ерга, Ленинобод вилоятининг марказига Тожикистон Республикасининг халқ ноиблари етиб келишган эди. Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўн олтинчи сессияси бўлиб ўтадиган, манзил сифатида бежиз бу ерни танлашмаган эди. Душанбеда — ҳамон уруш, қон тўкиш авжида. Халқ вакиллари тожикларнинг Умумжаҳон анжуманини чақириш учун мажлисга тўпланганларида ислом ақидапарастлари ҳукумат аъзоларини гаровга олган кунни яхши эслаб қолган эдилар.

Ҳамманинг хаёлида биргина савол айланарди, ташвишга соларди: биродаркушлик урушини «ўчириш» учун энг муҳим қарорларни қабул қилишга парламент аъзолари етарли миқдорда, тўпланармиканлар? Хўжандга 198 халқ ноиби етиб келди, бу ноибларнинг кўпчилик қисми эди. Кворум етарли эди!

Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари сессиясини ўтказиш жойи сифатида икки маротаба Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўрунхўжаев номли жамоа хўжалигининг Маданият саройи танланди. Бу бино дарҳақиқат жуда салобатли. Санкт-Петербургдаги Петродворецнинг мўъжаз нусхаси. Айнан ўша услуб, ҳатто фавворалларнинг ўрни ҳам ўша, лекин, тўғри, бу ерда машҳур Самсон фавворасидаги йўқ. Бино рўпарасида кўркам боғ. Аммо ҳар бир дарахт, бута остидан пулемётчилар жой олишганди. Бинога олиб чиқувчи зинапояга етгунимизча етти марта текширишди. Бу текширувдан ҳеч ким мустасно эмас эди. Журналистлар ҳам, парламент аъзолари ҳам, Бош вазир ҳам... Зеро, шундай қаттиққўллик зарур эди: ислом ақидапарастлари — Хўжандда ҳам қасос оламиз — дея онт ичган эдилар-да.

Сарой пештоқида шундай шиор осилган: «Халқ ноиблари! Сиз бу ерга қон тўкилишини тўхтатиш учун келдингиз. Тожикистон заминида тинчлик тантана қилсин!».

Сессияни бошлашдан олдин сулҳ комиссиясини йиғиш ҳақида қарор қилинди. Комиссия кечга қадар мажлис қилди. Аммо, афсуски, кутилган натижага эришилмади. Сабаб?

Тожикистон тупроғида жуда кўп қон тўкилган эди. Кўлобликлар помирликларни тушунишни истамас, гармликлар — ленинободликларни, қўрғонтепаликлар — душанбеликларни тушунгиси келмасди. Бошқача бўлишини кутиб ҳам бўлмасди! Шундай бўлса-да, сессия ўз ишини бошлади.

Парламент раҳбари, ҳамиша қозикалонга яқин киши бўлиб юрган Акбаршо Искандаров навбатдаги сессияни очиқ деб эълон қилди. У қаттиқ ҳаяжонланар, шу боис парламентни бошқара олмас эди. Бу ҳаяжон унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида сезилиб турарди. Парламент етакчиси кечириб бўлмас хатога йўл қўйди: ғала-ғовурли овоз бериш тугагач, ноиблар орасидан ҳисоб ва таҳририят комиссиясига сайланган ноибларни белгиланганидан бошқа жойларга «ўтказиб қўйди». Нутқ сўзлаганда ҳам, ҳадеб калаванинг учини йўқотиб қўяр, керакли сўзларни тополмай узоқ муддат жимиб қоларди. Зал эса сув қуйгандек жимжит.

Танаффуслардан бирида москвалик журналистлар Раҳмон Набиевнинг уйига амаллаб қўнғироқ қилишди. Асли хўжандлик бўлган бу сиёсатчи ҳокимиятдан воз кечгач, ҳамюртлари уни совуқдан-совуқ қарши олишди. Зеро, сиёсатдаги заифлик, айниқса у фуқаролар урушига олиб келса, — йўл қўйиб бўлмас ва кечирилмас хато эди!

Мана ўша суҳбат мазмуни.

— Салом, Раҳмон Набиевич! Бугун сизнинг қадрдон шаҳрингизда Республика Олий Кенгашининг сессияси очилди.

Реклама

Қуйидаги манзилга мурожаат этиб, бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш мумкин:


Тошкент шаҳри,
Катта Миробод кўчаси,
158-уй (Ивлев, 67).
"Табани групп оф компаниз"

Ўзбекистон Республикасидаги савдо агентларимиз:
"Мунис" ЛТД,
"ХЕСО" ЛТД,
шунингдек
"ФРИЯ" фирмалари.

Fax. 54-08-30.
Telex. 116416 TABANI SU

Telephon. 32-35-53,
54-06-70, 54-07-98,
55-35-49.

Бош бошқарувчиси
Аббосхон



Чекиш соғлигингизга зарардир!

• *Спорт* •

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИНИ КЎЗЛАБ

● Тошкентда Марказий Осиё республикалари спорт комитетларининг мутасаддилари тўпланишиб, навбатдаги «Дўстлик» халқаро ўйинларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича мулоҳаза юритдилар.

Халқлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаб, спортнинг оммавий турларини янада ривожлантиришга имкон бераётган бундай мусобақалар мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Анъанавий мусобақа бу гал сентябрь ойида Тошкентда ўтказилади. Куч, маҳорат ва мардлик кўриги Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига бағишланади. Мусобақалар спортнинг 31 тури бўйича ташкил этилади. Жумладан, спортнинг миллий турлари билан халқ ўйинлари катта маданий дастур билан уйғунлашиб, мусобақанинг ўзига хос спорт байрамига айланишига имкон беради. Мутасадди-мутахассислар эса «Дўстлик» халқаро ўйинлари пайтида Марказий Осиё республикалари миллий терма жамоаларини келаси йили Японияннинг Хиросима шаҳрида ўтказиладиган Осиё ўйинларига тайёргарлигини кўздан кечириш ва спортчиларни нуфузли мусобақага шайлашга эътиборни қаратадилар.

• *Шифокор огоҳлантиради* •

ОЛДИНИ ОЛГАН ЯХШИ

Ёз чилласи бошланмасданоқ болалар аҳорлар, кўлларда чўмила бошлайдилар. Шундай пайтда бехтиёр ютиб юборилган бир қултум сувнинг организмга қанчалар зарарли эканини болалар тасаввур ҳам қилмайдилар. Агар сув тоза бўлса майлия, лекин ҳозир ҳавзалар, каналлардаги сув лаборатория текширувидан ўтказилганда вирусли гепатит, ич терлама, ичбуруғ, меркиния сингари юқумли, ўткир меъда-ичак касалликларини чақирувчи микроблар аниқланяпти.

Республикамизнинг етмиш беш фоиз аҳолиси водопровод суви билан таъминланган бўлса-да, кўпчилик сувни очиқ ҳавзалардан олади. Ҳатто водопровод сувининг 20—25 фоиз намунаси бактерия кўрсаткичлари бўйича санитария талабларига жавоб бермайди. Кўп қишлоқ водопроводлари ҳам шундай аҳволда. Фуқаролар кўчалар, қишлоқлар, даҳалар, сув ҳавзаларининг ифлослигидан шикоят қиладилар. Лекин ҳавзаларни чиқиндилар билан ким зарарлайди, аҳолларни ким ташлайди. Бу саволни ҳар ким ўзига бериб кўрса ёмон бўлмасди. Чунки хонадонлардаги аҳлатни анҳор ва каналларга ташлаш одат тусига кириб қолган. Ахир тупроқ, сув тоза бўлмаса саломатлик ҳам бўлмайди-ку!

Қадимгилар микроб, вирус нималигини билмаганлар. Лекин улар ҳаром деган нарсани яхши ажратганлар ва сув манбаларининг ифлосланишига йўл қўймаганлар. Ариқдан, ҳовузлардан, каналлардан сув манбалари ҳисобида фойдаланилса, уни албатта тиндириб, қайнатиб ичиш керак. Чунки қайнатилган сувда барча макруҳ вируслар ҳалок бўладилар.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, Давлат санитария назорати тўғрисидаги қонунда санитария нормалари, қоидаларига риоя қилмаган ҳамда эпидемияга қарши тадбирлар ўтказмаганлиги натижасида кишилар соғлиғига етказган зарарни, шунингдек, санитария қонунларини бузганлари учун диагностика, даволаш ва профилактика ишларига кетган ҳаражатларни корхоналар, ташкилотлар ва алоҳида фуқаролардан ундириб олиш тартиби тасдиқланган ва ҳар бир ножўя ҳаракат жавобгарликни талаб қилади. Биз шифокорлар эса ҳамиша хасталикни даволашдан кўра унинг олдини олиш осонлигини уқтирамиз. Бу энг яхши йўлдир.

Р. ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология бош бошқармаси бошлиғи.

ШИРАКАЙФ ФУТБОЛЧИЛАР

● Руминиянинг Кириноген шаҳрида ўтказилган футбол учрашувида ўйин тугамай 0:21 ҳисоби қайд этилди.

Маълум бўлишича, мазкур шаҳарнинг футбол жамоаси «Викторул» иккинчи лигага ўтиш учун ўтказилган саралаш ўйинида кулгили аҳволга тушиб қолган. Аниқланишича, футболчилар бир кун олдин жамоадошларидан бирининг тўйини нишонлашган экан. Қизиғи шундаки, ўйиннинг етмишинчи минутидаёқ ҳакам учрашувни тўхтатишга мажбур бўлди. Чунки, олти ўйинчи гандиракласада чидаб турар, қолганлари эса майдонни тарк этишган эди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Республикада жиноятчиликка, айниқса, унинг уюшган шаклларига қарши кураш давом этмоқда. Шу йилнинг иккинчи июль куни Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда қўзғатилган жиноий иш бўйича оператив-тергов тадбирларини ўтказди. Натижада «Ўздавнефтмаҳсулот» тизимига қарашли айрим мансабдор шахслардан жиноий йўл билан топилган йигирма икки миллион сўмдан кўпроқ пул, ўн олти мингга яқин АҚШ доллари, 4 килограмм олтин, жуда катта миқдордаги товар-моддий бойликлар, ўқотар ва совуқ қуроллар, ўқ-дорилар, «Чайка», «Мерседес», «Жигули» автомашиналари олинди.

Жиноятчиликда гумон қилинаётган шахслар қонун билан белгиланган тартибда қамоққа олиндилар.

Мазкур иш бўйича тергов давом этмоқда.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

МЕҲР НИШОНАСИ

● Термиз аэропорти билан шаҳарни боғлайдиган йўл таъмирлана бошланди. Шаҳар бозори дарвозасини созлашга қурувчилар сафарбар қилинди.

Вилоят ҳокимияти томонидан эълон қилинган тозалик ва озодалик ойлиги тадбирларида шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга, ҳовли-чарбоғларни кўкаламзорлаштиришга катта эътибор қаратиш кўзда тутилганди. Аксарият одамлар вилоят ҳокими томонидан ободонлаштириш учун районлараро қўйилган катта мукофотга (биринчи мукофот — 3 миллион сўм) умид боғлаб талай юмушларни амалга оширдилар.

—Бундан тўрт йил бурунми вилоятимиз одамларига Сурхондарё мамлакатга йилига 1 миллион тонна сабзавот етказиб берадиган минтақа бўлади, деган қуруқ гапни айтиш учун Москвадан Лигачев деган одам воҳамизга келди, — дейди Ангор ҳокими А. Ч. Лапасов. — Ўша ташрифга тайёргарлик сифатида одамлар дала ишларини қўйиб, бир ой кўча супиришганди. Лекин бу билан ўлкамизни ободонлаштиришга эришолмагандик. Чунки у ўша даврга хос бўлган урра-уррачилик билан қилинган иш эди.

Ҳозирги тадбирларимизнинг маъноси бўлакча. Хонадонини ҳамиша озода сақлаш —хонадонига меҳр нишонасидир. Бу гап кенг мазмунда юртга ҳам тегишлидир. Бугун мукофотга қизиқиб хайрли ишга қилинган жазм эртага кундалик машғулотга, одатга айланади.

О. УСАНОВ,

ХОРИЖГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ

● Бухорода 1180 тармоқли халқаро телефон станцияси фойдаланишга топширилди.

Эндиликда бухороликлар код орқали хориж мамлакатларидаги исталган шаҳар ёки қишлоқ билан боғланишлари мумкин. Фарғона ва Қаршидан кейин Бухоро бундай телефон тармоғига эга бўлган учинчи вилоят марказидир.

САФАРНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

● Яқинда давлат рақами 51—03 СНЛ бўлган «КаМАЗ—5320» машинаси божхона ходимлари томонидан Зафаробод қўрғонида кўздан кечирилди.

Унда 666 минг сўмлик майиз ва олмақоқи остида баҳоси 10 миллион сўм турадиган 10 тонна мис яширилгани аниқланди. Самарқанддаги «Эра» кичик корхонаси корчалонлари ноёб металлни Қозоғистонга олиб чиқиш ниятида эдилар. Бироқ, сафарнинг миси чиқди.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 9 июлда чиқади).

ШИФОКОР БЕМОРНИ ИЗЛАЙДИ

● Вилоят «Автойўл» бирлашмаси тиббиёт-санитария қисмида жорий этилган ички хўжалик ҳисоби бемор ва шифокор ўртасидаги муносабатларда туб бурилиш ясади.

Эндиликда бемор шифокорни эмас, шифокор беморни излайдиган бўлди. Чунки, унинг ишига кўрсатиладиган хизмат ҳажми, сифати, муомала ва маданияти ва яна кўпдан кўп омилларга баҳо берилади.

Хўжалик ҳисоби туфайли шифокорларнинг меҳнат унумдорлиги икки баравар ошиб, тиббий хизматнинг янги турларини жорий этиш учун имкониятлар туғилди. Врачлик-муҳандислик бригадалари тармоқнинг барча меҳнат жамоалари аъзоларини тиббиёт кўригидан ўтказишди.

Н. НАИМОВ,

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ортопедия» илмий тиббий-техникавий комплексининг ИТТК жамоаси бўлим бошлиғи А. Ворисовга отаси

Улмас ВОРИСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16.
Жиноятчиликка қарши кураш — 33-76-04, 32-26-70, 32-53-15.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.

Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.
УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:
Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Нукусда — 2-42-62;
Навбатчи муҳаррир: З. ҲАЙДАРОВ.
Қаршида — 3-25-79;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01;
Фарғонада — 6-37-16.

● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Хажми 2 босма табоқ, тиражи 166.770 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 20.30
Г — 274 № 125.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.